



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

# TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



International Conference on Teaching Foreign Languages

TSUL iCON – FLT

30/04/2021

THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

An international scientific and practical online conference on the topic

**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON  
TEACHING FOREIGN LANGUAGES  
(TSUL ICON - FLT)**

**Foreign languages department**

Tashkent – 2021



# ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК: СОЦИОЛИНГВИСТИКА ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ШАРОИТДА ЎРГАНУВЧИ ФАН СИФАТИДА.

*Маматова Феруза Махаммадовна*

*Ўзбекистон Миллий Университети мустақил изланувчиси*

**DOI 10.5281/zenodo.4963238**

Оҳирги йилларда замонавий тилшуносликда лисоний ходисаларни тилшунослик ва бошқа илмий соҳа билан биргаликда тадқиқ қилиниши долзарб бўлиб бормоқда. Зоро, бу каби ёндашувлар тил бирликларини бир сатҳда эмас, балки етарли даражада чуқурроқ ўрганишга, илмий билимлар ва янги фактлар билан бойитиш орқали турли жиҳатларини очиб бериш имконини беради. Тадқиқотларга мана шу каби ёндашувлар натижасида психолингвистика, этнопсихолингвистика, социолингвистика ва бошқа илмий соҳалар вужудга келди. Социолингвистика ва психолингвистика туташган жойида юқорида тилга олинган анъанани давом эттирувчи соционпсихолингвистика яралди.

Тилни унинг ижтимоий шароитида ўрганиш анъанаси натижасида XX-асрнинг ўрталарида пайдо бўлган социолингвистика фан сифатида, социиолингвист олимларнинг тилнинг ички тузилиши эмас, балки уни жинси, ёши, ижтимоий мавқеи каби ҳолатларидан келиб чиқган ҳолда муайян жамият вакиллари фойдаланиши қизиқтириб қолди. А.А. Леонтьев тил жараёнларини фаолият категориялари (сабаб, мақсад, восита ва ҳ.к.) асосида тадқиқ қилиш кераклигини таъкидлаб ўтган [2, 12-13].

Замонавий социолингвистиканинг муҳим ғоялари И.А.Бодуэн де Куртенэ, Е.Д.Поливанов, Л.П.Якубинский, В.М.Жирмунский, Б.А.Ларин, А.М.Селищев, В.В.Виноградов, Г.О.Винокур, Ф.Брюно, А.Мейе, П.Лафарг, М.Коэн, Ш.Балли и А.Сеше, Ж.Вандриес в Бельгии, Б.Гавранек, А.Матезиус, У.Лабов, А.Д.Щвейцер, Л.Б. Никольский, В. И. Беликов, Л. П. Крысин ва бошқаларга тегишли. Масалан, тилнинг воситалари мулоқот йўналишлари

бўйича бўлинган, мулоқотнинг соҳалар бўйича тақсимланиши эса маълум даражада ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланади деган фикр Ш. Баллига тегишлидир.

Социолингвистиканинг таснифлаш бўйича фикрлар бир-биридан фарқли бўлса-да, тил ва жамият бу соҳанинг асосий ўрганиш обьекти эканлиги рад этилмайди. Масалан социолингвистик терминлар йифиндиси жамланган луғатда у қўйидагича таърифланади: “тилнинг ижтимоий табиати, вазифалари, тилга турли социал омиллар (ижтимоий муносабатларнинг турли белгилари) таъсири ва тилнинг жамиятдаги ўрни билан боғлиқ муаммоларнинг катта ҳажмини ўрганувчи тилшуносликнинг бўлимидир”[3]. Кенг маънода, социолингвистиканинг тадқиқот предмети сифатида “тил ва жамият” тушунилади деб ёзади А.Д. Швейцер [4, 15-16]. У. Лабов тилнинг кундалик фойдаланишидаги изланишлардан олинган маълумотлар асосида тил тизими ва нутқий ўзгаришларни ўрганувчи билмилар соҳаси дейди [1, 96]. Р.Хадсон эса шундай фикр билдиради: “Социолингвитика – тилни жамиятга нисбатан ўрганишдир. Тилнинг социологияси бу жамиятни унинг тилга бўлган муносабатида ўрганиш. Агар биринчи берилган таърифда социолингвистиканинг вазифаси айрим лисоний, универсал ёки ўзига хос фактларга ойдинлик киритиш бўлса, иккинчисининг мақсади, аксинча, жамият ҳақида тил маълумотларидан фойдаланган ҳолда янгиликларни билиб олишдир” [6] .

Социолингвистиканинг мустақил фан сифатида шаклланиши унинг бўлимлари, методлари, обьектларини янада аниқ ажратиб олишга имкон яратди. Социолингвистиканинг бир қатор бўлимлари мавжуд. М.Халлидэй қўйидагиларни аниқлаб берган [5 ]:

- Тилнинг макросоциологияси ва лисоний демография, диглоссия, кўп тиллилиқ, кўп шевалилик, лисоний курулиш ва стардатлаштириш.
- Пиджинизация ва креолизация ҳодисалари
- Ижимоий шевалилик ва ностандарт муқобилларнинг тасвири



- Социолингвистика ва таълим
- Нутқнинг этнографияси
- Лисоний регистрлар ва репертуарлар, кодларнинг алмашинуви
- Грамматик ва фонологик ўзгаришларнинг социологик омиллари
- Тил, маданиятнинг жамиятдаги вазифалари
- Болаларда лисоний ривожланишига социолингвистик ёндашув
- Лингвистик нисбийлик
- Лингвистик тизимларнинг функционал назарияси
- Этнометодологик лингвистика
- Матн назарияси

У. Лаббов социолингвистик тадқиқотларга яқин аммо ўзгача бўлган бир нечта мавзулар мажмуини беради [1, 96-81] :

- Тилни стандартлаштириш ва лисоний режалаштириш
- Икки тиллик ва кўп тиллик ҳатти-харакат
- Пиджинизация ва креолизация
- Мулоқотнинг этнографияси
- Нутқ анализи
- Тилнинг ижтимоий қатламлашиши
- Тилга муносабат
- Стилистика
- Лисоний вариантилилк
- Ривожланувчи лисоний ўзгаришлар
- Коммуникатив тизимлар

М.Халлидей ва У.Лабовлар ёритиб берган социолингвистиканинг муаммоларидан келиб чиқган ҳолда ўрганилиши зарур бўлган муаммоларнинг мавжудлиги ҳақидаги фикрларга қўшиламиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Лабов У. Исследование языка в его социальном контексте // Новое в лингвистике. Выпуск VII: Социолингвистика. М., 1975. С. 96-81.



2. Леонтьев А.А. Основы психолингвистики.- М.: Смысл, 1997. С. 12-13.
3. Словарь социолингвистических терминов, 2006, с. 207
4. Швейцер А.Д. Некоторые актуальные проблемы социолингвистики. Предмет социолингвистики и методы социолингвистического анализа // Методическая мозаика (приложение к журналу «Иностранные языки в школе»). 2006. № 4. С. 15–26
5. Halliday M. A. K. Language as social semiotic. The social interpretation of language and meaning. London, 1979, p. 31-35
6. Hudson R.A. Introduction to Sociolinguistics, 2nd ed. – CUP, 1996.